O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 16 - fevral 80-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

“Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасини” бекор қилиб, ер майдонларини туман ҳокимлиги захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида тўлиқ ва қисман қайтариш ҳамда давлат рўйхатига олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 8 февралдаги 01-019/184-сонли, Бахмал тумани хокимининг 09.02.2022 йилдаги 01-351-сонли, Фориш тумани хокимининг 10.02.2022 йилдаги 01-108-сонли хатлари ҳамда Ғаллаорол туманида истиқомат қилувчи Ш.Бозорбоеванинг вилоят ҳокимлигида 07.02.2022 йилда рўйхатга олинган Б-166-сонли ва Б.Бозорбоевнинг 07.02.2022 йилда рўйхатга олинган Б-167-сонли аризаларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддаси ва 36-моддасининг 1-банди ҳамда “Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 8 февралдаги 01-019/184-сонли, Бахмал тумани хокимининг 09.02.2022 йилдаги 01-351-сонли, Фориш тумани хокимининг 10.02.2022 йилдаги 01-108-сонли хатлари ҳамда Ғаллаорол туманида истиқомат қилувчи Ш.Бозорбоеванинг вилоят ҳокимлигида 07.02.2022 йилда рўйхатга олинган Б-166-сонли ва Б.Бозорбоевнинг 07.02.2022 йилда рўйхатга олинган Б-167-сонли аризалари инобатга олинсин.

2. Бахмал, Фориш ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг уларга ер ажратиш тўғрисидаги қарорлари ҳамда ер ижара шартномаларини бекор қилиш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**). Давлат кадастрлари палатаси (**Н.Сидиков**). “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Бахмал, Фориш ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари билан биргаликда захира ер ҳисобларига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар

Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

4. Бахмал, Фориш ва Ғаллаорол туманлари ҳокимликлари **уч кун ичида** 4,28 гектар ер майдонларининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли 4 нафар қишлоқ хўжалиги корхона раҳбарларини огоҳлантириш ҳамда ер ижара шартномаларига ўзгартириш киритиш ёки бекор қилиш вазифалари юклатилсин.

5. Давлат кадастрлар палатаси (**Н.Сидиков**) захирага олинаётган ер майдонларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш юклатилсин.

6. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига иловадаги ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонлари туманлар захира ҳисобларига давлат мулки сифатида қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни кўриб чиқиб, якуний хулосани **уч кун муддатда** вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

7. Иловада кўрсатилган МЧЖ, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ва ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризаларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик тегишли туманлар ҳокимлари, Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари О.Ашурматов ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи Б.Бобоқулов зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Жиззах вилоят ҳокимининг
2022 йил 16 февралдаги
80-3-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

Жиззах вилояти туманларидаги ер майдони тўлиқ ва қисман захирага олинаётган ижарачи субъект (фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхона)лари

РЎЙХАТИ

№	Туман ва фермер хамда бошқа қишлоқ хўжаликлари корхоналари номи	Рахбари Ф.И.Ш	Ихтисослиги	Ер майдони жойлашган массив номи	Контур рақами	Жами ер майдони	Шу жумладан:								Шундан захирага олиниши			Захирага олинган-дан кейин колган жами майдон, га	Контур рақами	Шу жумладан:							Вилоят хокимлигида рўйхатга олинган захирага олинишига асос бўлган розилик ариза рақам ва санаси
							суғли	лалми	бог	узум	тутзор	Кўп йиллик дарахтзорлар	йайлов ерлар	бошқа ерлар	Контур рақами	Умумий ер майдони, га	шундан, экин ер майдони, га			суғли	лалми	бог	узум	тутзор	Кўп йиллик дарахтзорлар	йайлов ерлар	бошқа ерлар	
1	"BARKAMOL TRANS" МЧЖ	М.Гофуров	кум шағални фойта ишлаш	Ғаллакон массиви	28	3							3		28	2		1	28к							1		07.02.2022 №1237-вт
1	**Туман бўйича жами**					**3,00**							**3,00**			**2,00**		**1,00**								**1,00**		
0,0																												
	Ғаллорол тумани																											
1	"BOZORBOYEVA SHOXISTA" д/х	Ш.Бозорбоева	дехкон хўжалиги	Қипчоқсув ҚФЙ	150к	0,74		0,74							150к	0,74												07.02.2022 №Б-166
2	"BOZORBOYEV BOSIM"д/х	Б.Бозорбоев	дехкон хўжалиги	Қипчоқсув ҚФЙ	47к	1		1							47к	1												07.02.2022 №Б-167
2						**1,74**		**1,74**								**1,74**												
	Фориш тумани																											
1	Фукаро Алиэов Салиджан	С.Алиэов	туризм, эко бог, дам олиш масканы	Эгизбулоқ ММЙ	645к	0,60								0,60	645к	0,54		0,06	645к								0,06	
1	**Туман бўйича жами**					**0,60**								**0,60**		**0,54**		**0,06**									**0,06**	
4	**Жами**					**5,34**		**1,74**					**3,00**	**0,60**		**4,28**		**1,06**								**1,00**	**0,06**	

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29

Бахмал тумани